

Менинг исмим Собир. Ёшим 38да. Мен туманимиз оилавий поликлиникасида ишлайман. Бир куни бир бегона шахс ўзини беморим Валижоннинг узоқ қариндоши сифатида таништириб, Валижоннинг ташҳиси бўйича маслаҳатлар олганидан сўнг, мендан ёрдам кўрсатишимни сўради:

- “Ака, сизга битта илтимос бор. Агар ёрдам қила олсангиз сиздан жуда миннатдор бўлардим”, деди.

Мен ҳам “савоб” бўлсин, яхшилигим тегсин деб унга қулоқ солдим.

- “Акажон, қўлимда ҳозир нақд пулим бор. Агар сизга Валижоннинг аёлини карта рақамини айтсам, банк картангиздан ўша картага 100 минг сўм кўчира оласизми. Валижон бу ерда даволанаётгани учун оиласи пулсиз қолди. Хизмат ҳаққини бераман. Уларга пул жуда зарур эди, пулларни бериб юборишнинг эса менда ҳозир имкони йўқ”, деб вазиятини тушунтирди.

Айни вақтда банк картада ҳам етарли пул бор эди. У айтганидай пулни кўчириб, ўрнига уни қўлидан нақд пулни олдим. Хизмат ҳаққига келсак ҳеч нарса олмадим, ўзи кетган бўлса комиссия учун мендан 500 сўм кетди.

Бошқа куни Валижоннинг узоқ қариндоши олдимга келиб, яна ёрдам сўради:

- “Собир ака, ўтган сафар роса яхшилигингиз тегди. Бу сафар ҳам ёрдам қилсангиз. Кеча кечги пайт паспортим ва телефонимни ўғирлатиб қўйдим. Ҳужжатларимни тиклашимга маълум вақт кетар экан, уйга қайтиб кетишим учун эса менга пул зарур. Агар паспортингиз олдингизда бўлса, банкдан мен учун ўз номингизга банк картасини очиб бера оласизми? Кейин менинг қариндошларим ўша банк картасига пул ташлаб беришарди. Ҳавотир олманг, барча комиссия тўловларини тўлаймиз. Сизни рози қиламан. Собир ака, ёрдам беринг илтимос”, деб қолди.

Мен ўйлаб қолдим. Битта банк картасини очиб берсам нима қилипти? Устига-устак пул ҳам ишлаб оларканман. Валижоннинг қариндоши қилган таклифга рози бўлиб, банк мобил иловаси орқали янги карта учун ариза юбордим. Эртаси куни, банк ходимлари картада келтирганидан сўнг унга янги банк картада пинкоддини айтиб, бериб юбордим. “Хизмат”им учун эса 60 минг сўм ишлаб олдим.

### **Саволлар:**

1. Собир ушбу жараёнда қандай хатоларга йўл қўйди?
2. Унинг бундай қарори қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
3. Собир қонун ҳужжатларига асосан банк картаси бўйича қандай мажбуриятларга эга? Унинг мажбуриятлари яна қандай ҳужжатда акс этади? Жавобингизни асосланг.

## **Қандай қилиб бизга кейслар бўйича ечимларни тўғри юбориш мумкин?**

1. Сиз кейсни қабул қиласиз (кейсни юклаб олиш учун ҳавола расмий сайтда “лойиҳалар” бўлимида кўрсатилади) ва масофавий тарзда ўз гуруҳингиз билан унга ечим ишлаб чиқасиз.

2. Сиз кейслар бўйича ечимларни ўз ичига олувчи word-файл ва/ёки кейс ечими бўйича тақдимотдан иборат бўладиган pdf-файлни бизга юборишингиз лозим бўлади. Сизнинг ишларингиз қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади: жавоб мазмуни, таҳлилнинг пухталиги, ечим тузилмаси ва мантиқий кетма-кетлик, жавобнинг оригиналлиги/инновационлиги ва креатив ёндашув.

3. Сиз кейс бўйича ўз ечимларингизга зарур иловаларни киритишингиз мумкин (иловалар тақдимотнинг бир қисми сифатида ёки алоҳида файл кўринишида тақдим этилиши мумкин, бироқ иловалар тақдимот таркибига киритилиши янада мақсадга мувофиқ). Иловалар файли тақдимот файли билан бир хил номланиши зарур.

4. Кейс-масалалар юзасидан барча саволлар бўйича қуйидаги рақамга мурожаат қилишингиз мумкин: +998 71 212-73-58

5. Кейслар бўйича жавобларингизни [cbu.konkurs@gmail.com](mailto:cbu.konkurs@gmail.com) электрон почта манзилига юборинг.

6. Файл номида қуйидаги матнни ўз ичига олиши лозим: Finlit – кейс рақами – гуруҳ номи. Масалан, агар сизнинг гуруҳингиз “Smart Solution” деб номланса, файл номи “Finlit-1case-SmartSolution” дан иборат бўлиши зарур. Тақдимот ичида ҳам рўйхатдан ўтганда кўрсатилган гуруҳ номи кўрсатилиши лозим.

7. Google - дискдаги файлларга ҳавола кўринишидаги жавоблар қабул қилинмайди.

## **Кейс ечимларини баҳолаш мезонларининг батафсил тавсифи**

Кейслар ечими қуйидаги мезонларга кўра 25 баллик тизим бўйича баҳоланади: ечимнинг мазмуни, таҳлил пухталиги, ечим тузилмаси ва мантиқий кетма-кетлик, ижодий ёндашув.

### **Ечимнинг мазмуни**

- жамоа қатъиян кейс саволларига жавоб берган;
- кейснинг барча қуйи саволларига батафсил жавоб берилган;
- жамоанинг молиявий саводхонлик ҳақидаги тушунчалари ечимда акс этган;
- жамоа ечимга тизимли ёндашувган.

### **Таҳлил пухталиги**

- ечим асослантирилган - фактлар таҳлил қилинган ва маълумотлар манбаалари кўрсатилган;
- жамоа кейслар мазмунини ва молиявий саводхонлик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини чуқур тушунишини кўрсатган.

### **Ечимнинг тузилмаси ва мантиқий кетма-кетлиги**

- ечим изчил мантиққа амал қилади, мавзудан мавзуга ўтишга йўл қўйилмайди;
- аргументлар ягона мантиққа амал қилиб, ечим умумий таркибда тақдим этилган;
- ечимнинг яхлитлиги – аргументларда "бўшлиқлар" мавжуд эмаслиги;
- жамоа таҳлил қилинган маълумотлардан хулоса ва тавсиялар тақдим этган.

### **Ижодий ёндашув**

- қўшимча материаллардан фойдаланилган;
- муаммога нисбатан дастлабки одатий нуқтаи назарни такомиллаштирадиган ижодий ғояларнинг мавжуд.

### **Оригиналлик / инновационлик даражаси**

- кейсларни ечишда инновацион ғояларнинг долзарблиги ва уларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўлланилганлиги.

## **Молиявий саводхонлик бўйича кейсларни ечиш кетма-кетлиги**

### **1 кадам. Мақсад – кейсда кўтарилган муаммони тушуниш:**

- кейсни принтердан чоп этиб эътибор билан ўқиб чиқинг. Муҳим маълумотларни маркер ёрдамида белгаланг. Кейс ечимининг 30% ини матндан топишингиз мумкин;
- кейсда кўтарилган асосий муаммони SMART технологияси асосида шакллантиринг;
- гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси мустақил ишлашини таъминланг.

### **2 кадам. Мақсад – ечимлар вариантларини ишлаб чиқиш:**

- гуруҳ билан йиғилиб муҳокама қилишга тайёрланинг;
- гуруҳингиз билан кўришинг. Кейсга ечимлар бериш учун умумий режа тузинг;
- кейсни қандай ечиш бўйича брейнсторминг ўтказинг;
- ғояларни яхлит тузилмага келтиринг.

### **3 кадам. Мақсад – ечимлар вариантлари таҳлилинини ўтказиш:**

- ечимлар вариантларига янгича ёндашув билан қараб кўринг ва лозим бўлса уларга тузатишлар киритинг;
- гуруҳ иштирокчилари орасида ечимлар вариантларини бўлиб чиқинг;
- ечимлар вариантлари бўйича маълумотлар тўпланг;
- маълумотларни таҳлил қилинг ҳамда энг муносиб ечимни танланг.

### **4 кадам. Мақсад – кейс ечимини умумий ҳужжат ва/ёки тақдимот кўринишига келтириш.**

- гуруҳ билан биргаликда тақдимот ва/ёки ҳужжат тузилмасини ўйлаб чиқинг;
- гуруҳ иштирокчилари орасида ҳужжат ва/ёки тақдимот қисмларини тақсимланг;
- ҳар бир иштирокчи ҳужжатнинг ўзига тегишли бўлган қисмини тайёрлайди;
- гуруҳ сардори барча қисмларни бир ҳужжат ва/ёки тақдимотга бирлаштиради ҳамда ягона услубда расмийлаштиради.

### **5 кадам. Мақсад – ечимни мукамал шаклга келтириш.**

- кейс ечимини “четдан” баҳоланг;
- яна бир бор маълумотларнинг тўғрилигини, имло хатолар йўқлигини текширинг;
- ҳужжат ва/ёки тақдимотга янада ишлов беринг.

<b>Жамоа номи</b>	
<b>Жамоа иштирокчилари</b>	
<b>Жамоа лидери</b>	
<b>Кейснинг тартиб рақами</b>	
<b>Кейс жавоби</b>	